



САМАРҚАНДДА СЕНАТОРЛАР САЙЛАНДИ

Кеча халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг кўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари Самарқанд вилоятидан вакиллар сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Маҳаллий кенгашлар депутатлари, фаоллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган кўшма мажлиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Худойёр Маматов очиб, Сайлов кодексига мувофиқ сайловни ўтказиш тартиб-тамоиллари ҳақида тушунтириш берди.

6-Меҳробод сайлов округидан вилоят кенгаши депутати Сухроб Рафиқов кўшма мажлис раиси этиб тасдиқланди.

Кўшма мажлис ишчи ҳайъати, котибияти, Сенат аъзоларига номзодлар кўрсатиш бўйича маслаҳат кенгаши, санок комиссияси аъзолари сайланган, маслаҳат кенгаши аъзолари алоҳида хонада сенаторликка номзодлар кўрсатиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Маслаҳатлашувдан сўнг яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун Сенат аъзоларига номзодлар бўйича таклиф ўқиб эшиттирилди. Номзодларнинг алоҳида-алоҳида эшитиш, муҳокамаси ва ёқлаб овоз бериш натижаларига кўра улар номзодини сайлов бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Сайлов кодексининг Сенатни шакллантириш тартиби

тўғрисидаги 14-бобига кўра, Сенат аъзолари сайлови яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтди.

Санок комиссияси белгиланган тартибда номзодларга берилган овозларни санаб чиқиб, натижаларни эълон қилди. Сайлов натижаларига кўра, куйидаги номзодлар Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзолигига сайланди:

- 2-Афросиёб сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, Самарқанд вилояти ҳокими **Эркинжон Турдимов**;

- 8-Турон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, Самарқанд давлат университети ректори **Рустам Холмуродов**;

- 17-Кўкғумбаз сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси **Гавҳар Алимова**;

- 28-Каттақўрғон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси **Ҳасан Нормуродов**;

- 37-Султонобод сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири **Фармон Тошев**;

- 47-Оҳалик сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати, "Agromig group" директорлар ассоциацияси кенгаши раиси **Шавкат Жалолов**.

Шу билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг кўшма мажлиси ўз иштини якунлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган брифингга вилоят судлари томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида журналист ва блогерларга атрафлича маълумот берилди.

Суд ишларида адолат устуворлиги таъминланяпти

Матбуот уйида янги йилнинг илк брифинги вилоят судлари томонидан ўтказилди

Таъкидланганидек, жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан 2019 йил давомида 3 минг 750 нафар шахсга нисбатан 3 минг 16 та иш кўриб чиқилган бўлиб, кўрилган ишлар ўтган йилга нисбатан 966 та ёки 24,2 фоизга камайган. Шулардан, 445 нафарини аёллар, 82 нафарини воёга етмаганлар, 145 нафарини эса 60 ёшдан ошган шахслар ташкил этган.

Ўтган йил мобайнида 1 минг 563 та жиноят ишлари сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган.

Бу каби брифинг ёки матбуот анжуманларини тез-тез ўтказиб туриш яхши натижа беради, - дейди жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси ўринбосари ўткир Мамадалиев. Судларнинг фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни хабардор қилган ҳолда суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш, шу билан бирга журналистлар, блогерлар ва жамоатчилик томонидан муайян суд ишларини нотўғри талқин қилиш, ёритиш ва изохлашнинг олди олинади.

2019 йилда фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди биринчи инстанциясида 242 та ишлари тамомланган, шундан 175 та даъво қаноатлантирилган, 33 та даъво рад этилган, 22 та иш кўрмасдан қолдирилган ва 12 таси юритишдан тугатилган.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари 2019 йилда 4 минг 804 тани ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 231 тага камайган. Улар бўйича даъво қаноатлантирилган қарорлар 2 минг 956 тани ташкил қилиб, олдинги йилга нисбатан 182 тага камайган.

Оилавий келишмовчилик сабаб 2 минг 879 та, моддий жиҳатдан қийинчиликка кўра 464 та, фарзандсизлик туфайли 272 та, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан 160 та, бошқа сабабларга кўра 1 минг 643 та никоҳдан ажратиш бўйича судга мурожаат қилинган.

2019 йил давомида вилоят, туман, шаҳар ҳамда туманлараро иқтисодий судлари томонидан 17 минг 938 та иш кўриб чиқилиб, ҳал этилган ва даъвогарлар фойдасига 585 миллиард 954 миллион сўм ундириш ҳақида суд ҳужжатлари қабул қилинган. Республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 13 миллиард 865 миллион сўм давлат божи ундирилган. Бундан ташқари, даъвогарлар томонидан республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 1 миллиард 683 миллион сўм давлат божи ихтиёрий тўланишига эришилган.

Шунингдек, вилоят, туман, шаҳар маъмурий судлари томонидан 2019 йил давомида оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 1 минг 643 та маъмурий иш кўриб тамомланган. Шундан 1 минг 27 таси қаноатлантирилган, 407 таси рад қилинган, 160 таси иш юритишдан тугатилган, 49 та иш кўрмасдан қолдирилган. Ишларнинг 313 таси сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Ўтган йил давомида вилоят, туман ва шаҳар маъмурий судларида маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир 46 минг 688 нафар шахсга нисбатан 37 минг 293 та иш кўриб чиқилган.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Мусурмоновлар оиласи «Spark» оладиган бўлди

Гарчи танлов соат 10:00 да бошланиб, 18.00 га қадар давом этган бўлса-да, ҳеч ким оғринмади, тугата қолайлик, кеч бўлиб қолди, демади. Уларнинг барчаси бир-бирини эътибор ва диққат билан тинглади, тўғри жавобдан-завқ олишди, нотўғри жавобдан «эҳ» дея хижолат бўлишди. Гарчи бир-бирларига рақиб бўлишса-да, оила аъзолари томонидан ўқилаётган шеър завқидан хурсанд бўлиб, ҳакамлар ҳайъатидан олдин баҳони беришди. Ташқарида беш даража совуқ ҳукм сурган пайти, «Ёшлар маркази» биносидаги харорат 30 даражадан ошиб кетди, десам муболага бўлмайди. Сабаби аён - марказда қутилган, иштирокчилар томонидан узоқ тайёргарлик кўрилган, «Энг яхши китобхон оила» танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда эса адабиёт, бадий асарлар ҳақида сўз борди, ёзувчи, адиб, шоирлар ҳаёти, фаолиятдан фикрлар айтилди, бахру байт завқидан баҳраманд бўлинди.

Танловда унинг шаҳар, туман босқичларида голиб чиққан 15 та оила тўртта шарт бўйича ўзаро беллашди. Тадбир аввалида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Алимова сўзга чиқиб, иштирокчиларни қутлар экан, зиёли, китобхон оилаларнинг кўпаяётгани жамиятнинг ривожини учун муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Президентимизнинг беш ташаббуси ижроси юзасидан ўтказилаётган ушбу танловнинг кўйи босқичларида икки ярим мингдан зиёд оила иштирок этди, - дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Соҳида Насриева. - Унинг кўйи босқичлари ҳам қизғин баҳс-мунозараларга бой, кўтаринки руҳда ўтди. Одамларда китоб ўқишга иштиёқ, ҳавас кучайганини кузатдик. Шунинг учун бу танловда фақат ўрин олган эмас, балки барча иштирокчи ютди. Улар маънавиятга ошнолиги, хонадонда зиё таратиб туриши билан голиб.

Оилаларда китобхонлик учун яратилган шарт-шароитлар хусусидаги видеоролик намойиши, ўзбек ва жаҳон адабиёти адиблари ҳаёти ва фаолияти, ушбу асарларни қанчалик яхши билиши, бахру байт каби шартлардан ўтган иштирокчилар ҳажон билан умумий баллар ҳисобини кутди.

Натижаларга кўра, «Энг яхши китобхон оила» танловининг мутлақ голиби кўшрабтоқлик Мусурмоновлар оиласи деб топилди. Иккинчи ўринни Тойлоқ туманидан келган Рашидовлар оиласи, учинчи ўринни оқдарёлик Шакарвалар оиласи эгаллади.

Эслатиб ўтамай, биринчи ўринни эгаллаган голиб оилага «Спарк» автомобили ваъда қилинган.

Гулрух МҶМИНОВА.

Самарқанд —

“Йилнинг энг намунали ҳудуди”

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган “Йил танлови - 2019” танлови тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси **Танзила Норбоева** “Энг фаол давлат арбоби” — Ўзбекистонда йил одами деб топилди.

«Йилнинг энг намунали ҳудуди» йўналишида Самарқанд вилояти биринчи ўринни эгаллагани эътироф этилди.



Фаррошлар қанча маош олади?

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, қшин-ёзин, совуқда ҳам, иссиқда ҳам меҳнат қилаётган фаррошлар қанча маош олади?

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги молия бўлими маълумотига кўра, бюджет муассасаларида фаррош штатига 1-разряд билан 634 минг 880 сўм маош белгиланган бўлиб, қўлга олинмагани 552 минг 346 сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу сўмдаги иш ҳақи барча бюджет ташкилотларда меҳнат қилаётган фаррошларга тегишли. Бундай маош меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам дегани эмасми? Бу маош билан рўзғор тебратиб бўладими? Деярли барча ташкилотларда энг кам иш ҳақи фаррошники. Худ-

ди уларнинг иши осондек, ҳамма ҳам фаррошлар меҳнатини бажара оладигандек...

МАКТАБДА ФАРРОШ УЧУН ПУЛ ЙИГИЛАДИМИ?

- Мактабда фаррошлик қиламан, - дейди Самарқанд шаҳрида истиқомат қиладиган қиз. - Ойлик маоршим 550 минг сўм. Ундан ташқари учта синфим бор, ҳар бири 30 минг сўмдан йиғиб беради.

Суриштириб кўрсак, айрим мактабларда ҳақиқатан ҳам аҳвол шундай экан. Фаррошлар ойлиги камлиги боис ойига ҳар бир ўқувчидан 1000 сўмдан 3000 сўмга-ча йиғиб бериларкан. Айрим мактабларда фаррошлик штати камлиги боис уларни ярим шатдан ишга олиб, қолган “маоши”ни ўқувчилардан тўплаб беришаркан.

- Ҳар ойда синф фонди учун 5 минг сўмдан йиғамиз, - дейди ота-оналардан бири. - Билмадим, қанчаси фаррошга, қанчаси бошқа нарсаларга сарфланади?

- Ўғлим академик лицейда ўқийди, ойига фаррош учун мендан 3000 сўм олади. Синфида 28 нафар бола бўлса 84000 сўм бўларкан. Бошқа синфлар ҳам фаррош учун пул йиғишади, - дейди танишларимдан бири.

2-саҳифа >>>

Эътироф

Жаҳон айвонида

Россия ҳукуматининг янги раиси Михаил Мишустин ва Хавфсизлик кенгаши раиси ўринбосари этиб тайинланган Дмитрий Медведев ҳукумат аъзолари билан учрашди.

Тожикистон транспорт вазирлиги 2014 йилгача ишлаб чиқарилган автомобилларни такси сифатида фойдаланишни тақиқлади.

Хитой аҳолиси 1,4 миллиард кишидан ошди.

Украина бош вазири Алексей Гончарук моҳирли аудиоёзув сабабли истеъфо берди.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

КУН МАВЗУСИ

Фаррошлар қанча маош олади?



Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсида бўлиб ўтган бу галги давра сўхбати шу мавзуда бўлди.

2 миллион сўм микроқарз кимга берилади?

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Самарқанд филиали директори Азиз Ҳафизовнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда кейинги уч йилда илк бор меҳнат мигрантларини ҳуқуқий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 2019 йилнинг 28 ноябрида "Микрокредит-банк" АТБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда "Ўзагросуғурта" АЖ ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига кўра вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижда жўнаб кетаётган фуқароларга хорижда ишга жойлашиш харажатларини қоплаш мақсадида бир йил муддатга 2 миллион сўм миқдорида 10 фоизлик устама билан микроқарз тақдим этилади. Микроқарзни расмийлаштириш жараёни бир банк кунида амалга оширилиб, бунинг учун паспорт, ариза каби минимал ҳужжатлар талаб қилинади.

Кредитлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг "labour-migration" дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган меҳнат мигрантларига берилади.

Шунингдек, Меҳнат вазирлиги ва "Ўзагросуғурта" АЖ ўртасида "Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижда кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаёти ва соғлиғи соҳасида ҳамкорлик меморандуми" имзоланган. Ушбу ҳужжат билан фуқароларнинг чет элда вақтинча ишлаши даврида уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сугурталаш, сугурта мукофоти миқдорини қоплаш учун 50 минг сўм миқдорида бир марталик субсидиялар тақдим этилади.

Ушбу сугурта маблағлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ҳамда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Сирожиiddин АҲМЕДОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ДИРЕКТОРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

- Мактабимизда 1122 нафар ўқувчи ўқийди, - дейди Нарпай туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби директори Мархабо Жабборова. - Мактабда 9 нафар фаррош бир ставкадан ишлайди, иш соати 08:00 дан 17:00 гача. Фаррошлар ойлик маоши 634 минг 880 сўм. Бизда фаррош учун ҳеч қанақа пул йиғилмайди.

- Мактабимизда 6 нафар фаррош меҳнат қилади, - дейди Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори Сўхроб Бахриддинов. - Уларнинг маоши камлиги боис 1,25 ставка ойлик белгиланган. Мактабда фаррош учун ўқувчилардан пул йиғилишига йўл қўйилмаган.

Мана энди буёғини ўзингиз хулоса қилинг.

БОҒЧАДА ШТАТ ЙЎҚМИ?

Бугунги кунда вилоятда 656 та давлат тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда ҳам фаррошларга 1-разряд бўйича маош белгиланган. Бироқ, айрим боғчаларда ҳар бир гуруҳнинг тозаловчи тарбиячи ёрдамчиси жавоб беради.

- Боғчада энага бўлиб ишлайман, бизда фаррошлик штати йўқ, - дейди Самарқанд шаҳридаги боғчалардан бирида ишловчи аёл. - Маошим 615 минг сўм.

- Боғчамизда фаррош штати йўқ, - дейди Каттакўрғон туманидаги 8-сон давлат мактабгача таълим ташкилотларида хизмат хоналарининг 350 квадрат метр тозаланадиган майдони учун 0,5 бирлик ҳисобидан хизмат хоналари фарроши лавозими ажратилиши кўзда тутилган. Боғчамизда гуруҳдан ташқари хизмат хоналари майдони 150 квадрат метр атрофида бўлгани боис бизга фаррош штати ажратилмади. Гуруҳлар хоналарини тарбиячи ёрдамчилари тозалайди. Фаррош йўқлиги сабабли қолган хизмат хоналарни ҳам ходимларга бўлиб берганман.

Бундан чиқди хизмат хоналарининг майдони кам бўлган боғчаларда фаррош штати йўқ. Бундай тартиб аввалдан мавжуд экан.

ШИФОХОНАДА ФАРРОШ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ? РЕСТОРАН ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРДА-ЧИ?

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотига кўра, бюджет ташкилотларида қарашли шифохоналарда фаррошларга 968 минг сўм маош белгиланган. Шунингдек, ОИТС марказлари, лабораторияларда ишлайдиган фаррошларга қўшимча устамалар берилади.

Самарқанд шаҳридаги Redtag магазинида ишловчи фаррош эса 1 миллион сўмдан 1 миллион 300 минг сўмгача маош олар экан. Шунингдек, касаллик таътиллари,

туғруқ, суюнчи пули ва меҳнат таътиллари ҳам берилади. Иш жойида иссиқ овқат ташкил этилган.

Самарқанд шаҳридаги рестороанларда фаррошлар 50-60 минг сўм кунлик меҳнат ҳақи олади. Баъзи рестороанларда иш ҳажмига қараб фаррошлар 1 миллиондан 2 миллион сўмгача иш ҳақи олади. Бундан ташқари, бепул тушлик берилади. Лекин уларнинг аксарияти норасмий ишлайди.

РОССИЯДА ФАРРОШЛИККА ЁШЛАР ЖАЛБ ЭТИЛАДИМИ?

Келинг, хорижда бу юмушни бажарадиган аёллар оладиган маошга эътибор қаратайлик.

Чет давлатларда фаррошларнинг маоши деярли бошқа ходимларникига яқин этиб белгиланган. Масалан, Россия Федерациясида катта-катта супермаркетларда 30-50 нафаргача фаррош ишлайди. Уларнинг иш ҳақи қассада савдо қилаётган ходимларникидан бироз кам, баъзан кўпроқ ҳам. Сабаби, у ерда фаррошларга иш соатига қараб ҳақ тўланади. Яна бир томони, Россияда ҳамма ҳам фаррошликка олинавермайди. Кўпинча ёш, чаққон, буюрилган ишни тез ва тоза бажарадиган ходимни ишга олишади. Бизда эса фаррошнинг иш ҳақи камлиги боис ёшлар бундай касбни танламайди. Фақат бирор касби бўлмаган кам таъминланган оилада истикомат қилаётганлар, боқувчисини йўқотганлар фаррошлик қилади.

Россиядаги ўзбек муҳожирилари ҳаётини яхши билганим боис уларнинг айримлари билан телефон орқали гаплашдим.

- 24 минг рубль иш ҳақи оламан, бу 300 доллардан сал ошадди, - дейди Хабаровск шаҳрида супермаркетда ишлайдиган ўзбекистонлик Севара. - Тўғри, ишимиз оғир, аммо шу иш ўзимизда бўлса жон-жон деб ишлардим.

- Бир ярим яшар боламини қайнонамга ташлаб, эрим билан Россияга келганман, - дейди Мадина. - Турмуш ўртоғим билан биргаликда ишлаб қишлоқдан уй қуряпмиз. Эрим қурилишда ишлайди, мен ресторанда фаррошлик қиламан, иш соатимга қараб 400 долларгача иш ҳақи оламан. Ўзимизда шунинг ярми ҳажмида маош тўласа ҳам, ҳечам бу юртларда юрмасдим.

Бундай мисолларни истаганча келтиришим мумкин.

Россияда ўзбекистонлик аёлларнинг асосий қисми фаррошлик қилади. Уларга яхши маош тўланади. Аммо, бизда ҳанузгача фаррошлар меҳнати қадрланмайди.

Туркияда фаррошлар ўртача ҳисобда 500 АҚШ доллари, Германияда 450 евро, Америкада 600 доллар, Францияда 1402 АҚШ доллари, Финляндияда 1706 АҚШ доллари миқдорида маош олади. Ривожланган давлатларда фаррошлар иш ҳақи соатига қараб ҳисобланади.

Туркияда фаррошлар 500 АҚШ доллари, Германияда 450 евро, Америкада 600 доллар, Францияда 1402 АҚШ доллари, Финляндияда 1706 АҚШ доллари миқдорида маош олади.

БИЗДА-ЧИ?

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 267-қарорига асосан, ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимларининг узоқ муддат узлуксиз меҳнат фаолияти бўйича ойлик тариф ставкасига нисбатан белгиланган қўшимча мукофотлар ҳам ажратилган. Қарорга асосан, ишчи-ходимларнинг иш стажини 1-3 йил бўлганда 30 фоиз, 3-5



КўЧА СУПУРУВЧИЛАР НЕГА ТУМАНЛАРДАН ҚАТНАБ ИШЛАЙДИ?

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси берган маълумотга кўра, шу кеча-кундузда шаҳар кўчаларида 241 нафар фаррош меҳнат қилмоқда. Тартиб-қоидага кўра, 1 нафар фаррошга 6600 квадрат метр майдон тозалаш учун берилади. Уларга 6 иш кунини жорий этилган. Иш соати 7 соат, фақат шанба кунини 5 соат этиб белгиланган. Фаррошларга мавсумий иш қийимлари берилади. Ушбу ташкилотда фаррошларнинг штат жадвали бўйича ойлик тариф ставкаси миқдори 802 497 сўмини ташкил қилади. Бошқарма ишчи-ходимларига йилнинг ҳар чорағида ойлик тариф ставкасининг 30-40 фоизгача бўлган миқдорда мукофот пуллари берилади.

ХУЛЛАС...

Яшириб нима қилдик, биринчидан фаррошлик касби жуда қийин, иккинчидан, иш ҳақи кам. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар кўча супуришни истамайди. Аслида шахримизни, иш жойимизни озода қилиб қўяётган ҳалол касб эгаларининг маоши ҳам оширилиши керак. Улар ҳам меҳнат қиляпти, уларнинг ҳам бола-чақаси, рўзғори бор. Фаррошнинг ҳам яхши яшашга ҳақи бор.

Айрим ташкилот ва муассаса раҳбарлари ўз фаррошларига моддий ёрдам, мукофот пули ёзиб, ёрдам бериши мумкин. Бироқ, бундай кўмакни ҳар ойда бериб бўлмайди. Бу билан ҳам муаммага ечим топиш мумкин.

Тўғри, фаррошнинг маоши камлиги боис айрим мактабларда ўқувчилардан пул йиғилар, аммо бу ҳамма мактабда шундай тартиб дегани эмас. Ҳар кун мактабда саккиз соат меҳнат қилиб, атиги 552 минг сўм ойликка рўзғор тейраётган фаррошлар қанча? Уларнинг дардини эшитиб, муаммосини ҳал қилиш вақти келмадими? Кенг жамоатчилик, депутатлар фаррошлар маошини ошириш ҳақида таклиф киритса, балки келажакда фаррошларнинг ҳам иш ҳақи ошириларидами?

Хуршида ЭРНАЗАРОВА, "Зарафшон" муҳбири.

Қурилиш билан боғлиқ қанча қонунбузилиш ҳолатлари кузатилган?

Ўтган йили вилоятда инвестиция ва Обод қишлоқ дастурларига киритилган объектлар қурилиши бўйича 2449 та объект рўйхатга олинган.

Мазкур объектларнинг лойиҳа ва зилзилабардошлик талабларига мувофиқлиги юзасидан инспекциямиз томонидан 2058 та текшириш ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 1169 та ёзма кўрсатма берилган.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган буюртмачи-пудратчи корхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасида белгиланган жавобгарлик масаласини ҳал этиш бўйича 23 та


ҳужжатлар тўплами суд органларига юборилган.

Объектлар қурилишида аниқланган 107,5 миллион сўм ҳажмдаги сифатсиз ишларни чегириш далолатномалари тузилган.

Бундан ташқари, 2019 йилда вилоятда шаҳарсозлик соҳасида қурилишга рухсат берувчи ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмасдан, шаҳарсозлик

нормалари ва қоидалари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилётган бир қатор қурилишлар аниқланган. Ушбу ишлар бўйича тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ноқонуний қурилиш ишларини бартараф этиш учун туман (шаҳар) ҳокимликларига юборилган.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида аниқланган 8 та ноқонуний қурилиш



бўйича мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан ҳужжатлар тўплами тегишли суд органларига юборилган.

Қурилиш тугалланган объектларни қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш юзасидан давлат хизматлари кўрсатиш маркази орқали жисмоний ва юридик шахслардан тушган 2713 та ариза кўриб чиқилган. Қурилишга рухсатнома (хабардор этиш) бериш орқали 968 та ариза кўриб чиқилиб, 903 та қурилишга рухсатномалар берилган.

Шокир ИЛМУРАТОВ, вилоят қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи.

МАЪРИФАТ

19 январь – Буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ таваллуд топган кун

Беҳбудий ва Қодирий

Ёхуд мен Раънони нега севаман?

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуровга мактуб)

Ассалому алайкум, Иброҳим ака!

"Олтин қозик" деб номланган китобингизда "Қодирий. Сиймо" (эссе)ни ўқиб миямдаги тугунлар ечилгандек бўлди. Абдулла Қодирий ҳаётини, унинг асарларини ҳар ким ҳар хил англайди, ўқийди, ўзича кашф этади. Камина ҳам улар қаторида. Аммо эссе муталаасидан кейин, Қодирийни Иброҳим Ғофуров бўлиб ўқигим келди. Айтганингиздек, "Қодирий ижоди ҳақида Умарали Норматов, Собир Мирвалиев, Наим Каримов, Бегали Қосимов сингари олимлар тадқиқотлари, Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султон каби адибларнинг адибона таҳлил ва талқинларини ўқиганда улғу ёзувчи маҳоратининг тақдорланмас қирралари ҳақида кутилмаган тасавурлар ҳосил қиламиз, инсоний хусусиятларининг чўнг қатламларига янада чуқурроқ кириб боргандай бўламиз".



Шундай бўлса-да, кўнгилтўлмаслик аломати бўлмиш "аммо"ни ишга солиб, дилнингиздаги тўқиб солишингиз, жумладан, "Биз янги замонларнинг кишилари учун Абдулла Қодирий таржимаи ҳолининг жуда кўп томонлари, саҳифалари номаълум"лигидан озор чекишингиз китобхонга, хоссатан, каминага-да, юқди. Айниқса, Қодирийнинг отаси, бобоси, унинг китобга, адабиётга меҳрини, Туркистон тарихига қизиқишини тарбиялаган инсонларни бизга таништиришингиз, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори ҳазратларининг ва бошқа маърифатпарварларнинг унга

1

Фитрат эса "Беҳбудий сағанасини изладим", дея фарёд чекди. Бундайин мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин Фитрату Чўлпон, Ҳожи Муину Айниёлар орасидан Абдулла Қодирий битган бир парча бўлса-да, фикрани матбуот саҳифаларидан кидириб, тополмаганим рост... Ахир Беҳбудий ёш адибларга йўналиш бўлсин дея "Оқ елпоғичли чилли хотун" ҳикоясини ёзгани, "Мушмирозо" образини ("Самарқанд" газетасида) яратиб ҳажвчиларга ибрат, "Муштум" журнали номланишига "туртки" бергани чинку, "Падаркуш" "таъсирида "Бахтсиз кувёв" деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим" - Қодирийнинг сўзларику... Шундай экан унинг Беҳбудийни ёд этмаганидан бироз огринганим ҳам ҳақиқатим эди...

Иброҳим ака! Ёзганларингиздан кейин Кумушнинг ўлимини йиғлаб-йиғлаб ўқигайларим, тўлғониб-тўлғониб ухломмаганларим, бошқа ёш юраклар каби "ёзувчи нега уни ўлдирди" саволи исканжасида чеккан изтиробларим... Сўнг Анвар мийрзони ("Меҳробдан чаён") таниб, Раънони ундан пинҳона рашк қилиб, севишганлар тақдирдан мамнун бўлиб (майлига юртдан қочиб кетса ҳам), "ёзувчи Кумушнинг ҳам ўлдирмас бўлардику" дея гўдақларча ўйлаганларим... ҳамма-ҳаммаси чекинди. Сиз каби камина ҳам кутилмаганда жадид боболарнинг орасига тушиб қолди. Воқеаларни кетма-кет жойлаб улар билан ҳамнафас яшаб кўрдим, фикрларим улғайгандек, кўзларим чараклаб очилгандек бўлди!.. Романдаги рамзлар, тимсоллар намоён бўла бошлади...

Устоз! Қодирийнинг Беҳбудийдан олган пайровлари ҳақида ёзасиз. Унга эргашган жиҳатларини кўрсатасиз. Демак, Қодирий Чўлпону Фитрат каби Беҳбудийга бағишлаб марсия битмаган эса-да, "Меҳробдан чаён"даги Анвар образида уни тасвирлаган, назаримда, Бошқача айтганда, ёзувчи роман қахрамонини буюк Беҳбудийнинг протипи асосида яратди. Асарнинг бош ғояси эса озодлик бўлиб қолаверади.

Рамзлар... Роман сўнгида Анвар Раънони олиб юртдан хуфя чиқиб кетиши - Беҳбудийнинг озодликни авайлаб бағрига босиб, ташқи дунёдан паноҳ сўраши эди. Негаки, Қодирий Анвар - Беҳбудийни яхши биларди, тушунарди. Беҳбудий ҳам Анвар каби ёшлиғида мирзолик қилгани тасодиф эмасдир? Беҳбудий умрининг яқини номаълумлигини Қодирий Самарқандга бориб аниқлашга ҳаракат қилган. Романда ҳам ёзувчи ўзи бориб Анвар тақдирини суриштирган ва қаҳрамон ҳаётининг

3

Мен сени севаман, Раъно!!!

Иброҳим ака, бу фикрларинг бахтсиз деб дейишингиз мумкин... Ҳолбуки, Сиз ёзган эссе ва академик олимимиз Наим Каримовнинг "Адиб абадияти" ("Ишонч" газетаси, 2019 йил 28 сентябрь)даги мақоласи хулосамга далла бўлди. Ундан иқтибос:

"Қодирий "Бахтсиз кувёв" драмаси билан Беҳбудийнинг, шеърлари билан эса Фитрат, Чўлпон ва Таваллолар сафига келиб қўшилгандек бўлди. Лекин шу даврда рўй берган тарихий воқеалар - Чор Россияси зулмига қарши кўтарилган 1916 йил кўзғолони, 1917 йил Февраль инқилоби, Туркистон Мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва большевиклар томонидан тор-мор қилиниб, Қўқон шаҳрининг қонга ботирилиши, 1917 йилдан кейинги талотўплар уни ўзбек халқининг тарихий тақдирини тўғрисида ўйлашга мажбур этди".

Бу сўзлар изоҳга ҳожат сезмайди... Бироқ "Меҳробдан чаён"да кўринган рамзу тимсолларни "Ўтган кунлар"дан ҳам кидиргим келди ва ажаб манзарарга дуч келгандек бўлдим. Беҳбудий ёзган "Падаркуш" асари ўқимаган боланинг отасини ўлдирди ҳақидагина эмас, балки мол-дунё, ҳокимият васвасасида қатл этилган Мирзо Улукбек билан боғлиқ отақушлик фожиасидан бошланган Туркистон таназзули хусусидаги трагедия эканлигини Қодирий аниқ биларди.

"Ўтган кунлар" ёзилган давр 1919-1920 йил дейилади манбаларда. Туркистон мухторияти 1918 йилда қонга ботирилганидан миллатнинг барча зиёлилари қатори Қодирий ҳам изтиробда қолади. Романда Кумушбининг ўлими бу фақатгина муҳаббатнинг эмас, балки Қодирий кўз ўнгида содир бўлган Туркистон мухториятининг аянчли ҳалокати, телбага айланган Зайнабнинг аҳволи эса мустамлақада қолган авомнинг ҳоли эди. Шунинг учун асарни ўқиган зиёли, аввало, Кумушбининг ўлимидан қаттиқ қайғуга ботади. Ҳатто, адибнинг ўзи ҳам бу саҳнани йиғлаб-йиғлаб ёзганини яширмайди. Қаттол замонда яшаб, большевикларнинг асл мақсадини англаб етган Абдулла Қодирийдек буюк шахс ўзи яратган биргина образ тақдирини ўқингани йиғлашини... бошқача тушуниши истадим. Негаки, Кумуш ўлимга маҳкум эди - суюкли Туркистон мухторияти шахид бўлган эди... Қилмишини англолмай қабринида тентираган телбанамо Зайнаба "баттар бўл", дея унинг тақдирига бефарқ қаролмайсиз - залолатга ботган авом-да, ахир...

5

таъсирини, уларнинг Қодирийга нақадар меҳр кўрсатишганини, матбуотдаги фаолиятини, адабиёт оламига кириб келиши, ёзган асарлари ҳақида ўша даврга саёҳат қилиб, чиндан яшаб, улар даврасида кўрганларингизни тасвирлаб беришингиз бизга-да, кўприк вазифасини ўтади.

Жадид боболар, айниқса, бетакрор сиймо Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятдан бироз таниш муҳлис сифатида Сизнинг тасвирларингизга, таҳлилларингизга, ҳуррият, миллат равнақи йўлида қайғурган зиёлиларни ўзаро меҳрли боғлашларингизга ҳавас қилдим.

Ёзганларингизни ўқиб, Қодирий асарлари, алаҳқусус, икки улғу - "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романлари воқеалари марказида ўйланиш тугуни ҳақидаги таҳлилингиздан мутаассир бўлиб, ўзимча кашф этганим - адиб армони ҳақидаги ўйимни айтгим келди.

Беҳбудийнинг 1919 йилда шахид бўлганлиги маълум бўлган Туркистоннинг фаол зиёли ёшлари у ҳақида оташин хотиралар, ашъорлар битиб нолалар чекишган. Бир қайғули марсияларки, давр матбуоти қатлариде мангуга муҳрланган.

Бу кун дунёда бир маҳшар кўпубди,

Бу ер юзини титратма тугубди.

Кўк бўлса, қоп-қоронғу чодини

Бошига ўраган, йиғлаб ётибдир...

(Вауд Махмуд)

Амалининг юлдузидим, кўз тикди

Қора, жирканч ўлим кони ерларга.

Савол бердим: "Йўқотганим қайда?" деб,

Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга...

(Чўлпон)

Сани мундин буён Турон кўролурум, кўролмасму?!

Санинг мислингни Туркистон тополурум, тополмасму?

...Ватан авлоди ёд этди, сани ҳурмат-ла шод этди,

Ва лекин интиқомингни ололурум, ололмасму?

(Садриддин Айний)

2

яқинини ноаниқ қолдирган. Раъно - ҳурриятнинг тақдирини ҳақида эса ҳеч гап йўқ. Негаки, роман ёзиб тугатилган давр (1928 йил)да хали Мунаввар қори ва унинг сафдошлари қатағонга учрамаган, Туркистонда большевиклар "босмачилик" деб ном қўйган, аслида эса миллий озодлик ҳаракати давом этаётган, бошқача айтганда ҳуррият тақдирини номаълум фурсат эди. Беҳбудийнинг миллат орусини топтаган большевикларга қаршилиги - Анварнинг ҳукмдор адолатсизликларига норозилиги, унинг Раъноси - озодлигига даҳл қилиши...

Раъно - қатағон йилларию истиқлол даври адабиётшунослигида ҳам турли бахсларга сабаб бўлаётган гўзал образдир. Шу ўринда университетдош дўстим, филология фанлари доктори Баҳодир Каримнинг "Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур" дея номланган салмоқли тадқиқот китобида келтирилган Раъно образи борасидаги баҳсга қўйқачча тўхтайсак: Муаллиф бошқа бир тадқиқотчи Х.Лутфидинованинг китобидан "Раъно бир қараганда замин фарзандидек, укаларига қарайди, уй юмушларини бажаради, отинлик қилиб қизларга сабоқ беради. Гўё реал ҳаётга боғлангандек таассурот қолдиради. Аслида эса у ҳаётда эмас, ижодкор оруссида эди", "Хонлик замонида Раъно типидеги қиз-жувонлар бормиди ёки йўқиди?" каби кўплаб иқтибослар келтиради. Б.Каримов уларга жавоб тариқасида "Юқоридеги кўчирмаларнинг айримиларига қўшилиш мумкин, аммо кўписида эътирозга сабаб бўладиган, фикрлашадиган ва баҳслашадиган жиҳатлар йўқ эмас. Баъзан рисола муаллифининг Раъно образини тасдиқлаётгани ҳам, рад қилаётгани ҳам, хайрихоҳ ёки холис муносабати ҳам, умуман, илмий мезон сезилмай қолади. Мужмал", деган фикр айтади.

Нега бу каби бахслар тугамаётганини энди тушунгандекман. Раъно ўз даври қизларига ўхшамаган, Қодирий ўйлаб топган бу эзгу образ - озодлик тимсолидир. Шу маънода атоқли олим ёзувчимиз Ойбекнинг фикрини ёдга олсак масала анча ойдинлашади:

"Абдулла Қодирий типик жадид эди... Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас, балки уларнинг формал тузилишлари, бадиий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётнинг типик намуналарини ташкил этади".

Жадидлар ғояси нима эди? Минг маротаба айтилди, яна тақрорлаймиз - ОЗОДЛИК эди!..

4

Бир пайтлар "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романлари фониде зеркиб ўқиганим - "Обид кетмон"ни шу кунларда қайтадан муталаа қилишим шартлигини англаб турибман. Ҳойнаҳой, мухторият бостирилган, большевиклар даврида бир мучал йили яшаб, маслагидан қайтмаган Мунавварқори Абдурашидхонов асосий қаҳрамон бўлиб чиқса ҳайратланмайман. Жадид боболар ҳаётини қадамба-қадам ўрганган яна бир жонқуяр устоз олим Сирожидин Аҳмаднинг "Обид кетмон" асари хусусидаги янгича қарашлари акс этган "Мағлубиятга тенг ғалаба" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 2019 йил 27 декабрь) мақоласи бунга ишора бериб турибди...

Иброҳим ака, бугун Абдулла Қодирий сиймосига давлат ва унинг биринчи раҳбари даражасида берилётган ҳақиқий баҳодан, боболарга муносиб эътибордан суюниб турибмиз.

Мактубдан мурод юқоридеги ўйларимни тасдиқлашти эмас. Мақсад шуки, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхоновга Чор Россияси "Охранка"си томонидан босилган, шўро "НКВД"си ва унинг давомчиси ("КГБ") қўллаган, "панисломист", "пантуркист", "англизпараст" тамгалари шу кунларгача олиб ташланганини яна бир бор таъкидлашдир. Акс ҳолда истиқлол даврида Фитрату Чўлпонлардан аввал уларнинг устозлари - шахсий мол-мулкларини тикиб, мактаб қуриб, дарслик ёзиб, жадид адабиётини яратиб, газета-журнал чиқариб, озодлик учун курашадиган ёшларни, жумладан Қодирийларни тарбиялашда жонларини қурбон қилишдан ҳам чўчимаган Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қори Абдурашидхонов тақдирланган бўлмасиди?..

Январь ойда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги... Дунёда Иккинчи жаҳон урушининг махфий архивлари давлат раҳбарлари томонидан очикланаётган фурсатда бу икки бобомиз ва уларнинг сафдошлари ҳақидаги ўта махфий маълумотлар очилиши, айтилиши ва муносиб баҳоланиши асл ҳақиқатга бўлган ҳурмат нишониси бўларди...

Эҳтиром билан, талабангиз
Ҳалим САЙИД.

6

«Ishonch» газетасининг 2020 йил 4 январь (4) сонидан олинди.

Тўғриси, бу савол Президентимизнинг ёшлар билан учрашувдаги нутқидан кейин ҳаёлимга келди. Қаранг, ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президент деярли ҳар бир иқтидорли ўғил-қиз билан учрашувга имкон, ҳафсала ва вақт топапти. Хўш, қолганларчи, давлат раҳбари олдимизга қўйган вазибаларни бажаришга ижодий ёндашяпмизми?

Ижод касб танламайди

лекин нега биз ёшларни ўз фикрини ёзма изҳор қилишга ўргата олмаяпмиз?

Тўғри, ёшлар учун тадбирлар жуда кўп ўтказилди, танловлар мусобақалар ҳам беҳисоб. Аммо камина иқтидорлар билан мунтазам ва индивидуал ишлаш кўнгилдагидек эмаслигини назарда тутаялман.

Самарқандда олий ўқув юрлари ўнтадан ошиб кетди. Хўш, уларнинг нечасида бадиий ёки адабий тўғрақлар бор? Ваҳоланки ҳаммасида имконият етарли. Мен ҳамма олий таълим муассасаси шор ёки ёзувчи етиштирсин, демайман. Лекин бундай тўғрақлар йигит-қизларни қайси назар, фикрлашга, ўз фикрини ёзма олишга ўргатади. Ваҳоланки, ҳозир аксарият раҳбарлар янги танланаётган ходимлар маълумотнома, тақлиф ва таҳлиллари қоғозда ёзма баён қила олмаслигидан нолишади. Қолаверса, мутахассислиги ветеринар, қурувчи, ҳуқуқшунос бўлатуриб, бадиий ижодда танилган адиблар талайгина.

Эсимда, талабалигимда Ўзбекистон миллий университетининг ўша даврдаги ректори, академик Саъди Сирожидиннов анжуманларда бадиий асарлар қаҳрамонларини мисол қилиб келтирарди. Пахта йиғим-теримида келиб қолса, албатта шеърлар ўқиб кўнгли-

мизни кўтарарди. Айтингчи, бугун раҳбарларнинг қайси бири шундай қиялпти? Президентнинг ёшлар иқтидорини ривожлантириш йўлидаги беш ташаббуси ижроси комиллик сари энг мақбул йўл. Шундай экан, бу ишни йўқлама, ҳисобот учун эмас, мунтазам ва самарали йўлга қўйиш яхши натижа беради.

Мисол учун, иқтидорли ёшлар ижодий анжуманлари қатъий жадвал асосида мунтазам ташкил этилса, унда жамоатчилик, ота-оналар қатнаша, болаларда рағбат ошади. Шу ўринда Президент тақлифи билан Ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган ёш ёзувчилар уюмиси вилоят бўлими фаолиятини ҳам жонлантириш, оммавийлигини ошириш керакка ўхшайди. Чунки ижодкорлар тўғрақлари мактабларда деярли фаолият кўрсатмайди. Ишлаганлари ҳам айрим байрамларда ўқувчиларга шеър ўқитишдан нарига ўтмайди.

Шу сабабли кейинги йилларда Зулфия номидаги давлат мукофотида вилоятимиздан адабиёт йўналишида ғолиб чиқмаяпти.

Мақсад битта, у ҳам бўлса, ёш иқтидорлар бизнинг сабогимизни, меҳримизни доимо ҳис қилиб туришини.

Машраб АЛИ.



«Орзуларим бир жаҳон, Пойдевор унга китоб».

Тоҳир НОРҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

20 январь
Хуршид ДАВРОН -1952 йилда Самарқанд туманидаги Чордара кишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири. "Дўстлик" ордени соҳиби.

21 январь
Шўхрат АБДУМАЛИКОВ -1970 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Театр рассоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

27 январь
Ислом ЗОКИРОВ - (1928-2000) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ақушер-гинеколог. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.
Бурҳон ИСЛОМОВ -1938 йилда Пайариқ туманида туғилган. Драматург. Театршунос.

Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
14 241 нусxada чоп этилди. Бюроғи 41
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улғу Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.
Газета "Зарифшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ.
Навбатчи: Ҳ.ХУДОЙБЕРДИЕВ.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.
Сотувада нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
91772010667009